

# Единый портал корпоративной информации

## Объявления

"Farg'ona yog'-moy" AJ

Объявление

"FARG'ONA YOG'-MOY" AKSIYADORLIK JAMIYATI

### ПРОВЕДЕНИЕ ВНЕОЧЕРЕДНОЕ ОБЩАЯ СОБРАНИЕ

**“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!!!**

“Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида

#### **ХАБАРНОМА**

Хурматли акциядор, Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Меъмор кўчаси, 9-уй манзилида жойлашган, “Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамияти, Сизга **202 йил 23 феврал куни соат 11<sup>00</sup> да** Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Меъмор кўчаси, 9-уй манзилида (жамият мажлислар зали) акциядорлик жамиятимиз акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Навбатдан ташқари умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати **2024 йил 19 феврал** ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш **2024 йил 23 феврал куни соат 8:30 да бошланиб соат 10:30 гача** давом этади.

Сизга навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

#### **КУН ТАРТИБИ**

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказиш регламентини ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамият уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан янги тахририни тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг материаллари (ахборотлари) билан Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Меъмор кўчаси, 9-уй манзилида жойлашган, “Фарғона ёғ-мой” акциядорлик жамиятида танишишингиз мумкин.

Навбатдан ташқари умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ўзи билан паспорт, акциядорлар вакиллари эса—Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.

## **Жамиятнинг барча акциядорлари диққатига!!!**

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига кўра акциядорлар умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг элетрон почтаси орқали амалга оширилишини ҳисобга олиб, ўзингизни электрон почта манзилингиз хақида маълумотни жамиятнинг: info@fyom.uz (mailto:info@fyom.uz), ҳамда fyom@inbox.ru (mailto:fyom@inbox.ru) электрон почта манзилларига тақдим этишингизни сўраймиз.

### **Жамият кузатув кенгаши котибияти.**

Тел: +998939811002

29.01.2024 йил.

01.02.2024

---

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/16734/>

Дата: 25.06.2026